



*Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Қачон дастурхонлари йиғиштирилса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳга кўп, пок, муборак ҳамд бўлсин. Ундан ўзга кифоячи йўқ. У тарк қилинган ҳам эмас. Ундан беҳожат ҳам бўлинмас. Роббимиз», дер эдилар».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

*Бухорийнинг ривоятида:*

**«Бизга кифоя қилган ва бизни қондирган, Ундан ўзга кифоячи йўқ ва инкор ҳам қилинмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дейилган.**

*Муслим ва Термизийнинг ривоятида:*

**«Албатта, Аллоҳ бандасининг таомни еб, унинг учун У Зотга ҳамд айтишидан ва шаробни ичиб, унинг учун У Зотга ҳамд айтишидан рози бўлур», дейилган.**

*«Сунан» соҳибларининг ривоятида:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон таомларидан фориғ бўлсалар:**

**«Бизни едирган, ичирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дер эдилар», дейилган.**

*Абу Довуд ва Насайнинг ривоятида:*

**«Қачон есалар ёки ичсалар:**

**«Едирган, ичирган уни сингдирган ва унга чиқиш йўли қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дер эдилар», дейилган.**

لَكَ أَمْ نَمَّ: لَأَقَمَّ لَسَوْوَهُ لَعَلَّ لَإِيَّ صَيَّبَنَّ لَنَا نَعُ، نَعُ لَلِإِي ضَرَسَنَّ نَبِذَاعُمْ نَعُ  
رَفُغٌ عِوُوقِ أَلَوِيَّ نَمْلِقَ رِيْعُ نَمِهِ نَقَزَرَوَادِهِ نَمَعُ طَأِي دَلَّ لَلِ دَمَحُ لَلِ: لَأَقَفَ أَمَاعَطِ  
دُوَادُ وَبَأِي ذِمَّرْتَلْ أَوْرِهِ بَنَدُ نَمَمَّ دَقَاتِ أَمْ هَلْ

*Муъоз ибн Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким таом еса-ю, кейин:**

**«Шуни менинг куч-қувватимсиз менга таом қилиб, ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин» деса, унинг аввалги гуноҳлари мағфират қилинган», дедилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

أَنَّ لَكَ رَبًّا مُّهِلًّا لِّ لِقَائِهِ أَمْ عَظُمَ كُذُّكَ أَلَا إِذَا لَاقَهُ نَعُهُ لَلِإِيضَةِ سَابَعِ نَبِيٍّ عَنِ  
أَنَّ نَبِيًّا دَرَوِيًّا لَكَ رَبًّا مُّهِلًّا لِّ لِقَائِهِ أَمْ عَظُمَ كُذُّكَ أَلَا إِذَا لَاقَهُ نَعُهُ لَلِإِيضَةِ سَابَعِ نَبِيٍّ عَنِ  
أَنَّ نَبِيًّا دَرَوِيًّا لَكَ رَبًّا مُّهِلًّا لِّ لِقَائِهِ أَمْ عَظُمَ كُذُّكَ أَلَا إِذَا لَاقَهُ نَعُهُ لَلِإِيضَةِ سَابَعِ نَبِيٍّ عَنِ

*Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Қачон бирортангиз таом еса, «Аллоҳим! Бунини бизга баракали қилиб бергин. Бизларни бундан яхшиси билан таомлантиргин», десин.**

**Қачон сут ичирилса, «Аллоҳим! Бунини бизга баракали қилиб бергин. Ундан бизга зиёда қилгин», десин. Чунки бирорта таом ва шароб сутчалик кифояли эмас», дедилар.**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

Ушбу сарлавҳа остида келган барча ривоятларда таом еб, шароб ичган банда ўзини ризқлантирган ва сероб қилган Розикига ҳамду сано, шукр-мақтов айтишининг бир неча хил сийғалари келмоқда. Лекин ҳаммасида ҳам еб-ичган инсон Аллоҳ таолога ҳамд айтиши лозимлиги маъноси бор.

Еб-ичгандан кейин ҳамд айтишда Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи ризқ берувчи Зот эканлигини эътироф қилиш бор. Шу билан бирга, бу ишда Аллоҳ таолога шукрни доимий янгилаб туриш маъноси ҳам бор. Шукр қилган бандага эса Аллоҳнинг Ўзи неъматларини зиёда қилиб беришни ваъда қилган.

Шу билан бир вақтда, Аллоҳ берган неъматларни еб-ичиб, улардан баҳраманд бўлиб туриб, у Зотга ҳамд айтмаслик, шукр қилмаслик, ўтакетган нонкўрлик эканлигини ҳам таъкидлашимиз лозим.

Шунинг учун еб-ичгандан кейин Аллоҳга ҳамд айтишни ҳеч қачон қанда қилмаслик керак.

Бизнинг диёрларимизда юқорида ўтган дуолар ичидан **«Бизни едирган, ичирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин»** («Алҳамду лиллааҳиллазии аъаманаа ва сақонаа ва жаъаланаа минал муслимийн») деган дуо кенг тарқалган.

Ушбу дуони ёдлаб олиш қийин эмас. Ҳар биримиз овқатдан кейин Аллоҳ таолога ҳамд айтишни канда қилмаслигимиз, фарзандларимизга, яқинларимизга ҳам ўргатиб боришимиз лозим.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.